

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 6 август, № 168 (8230) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли темир йўл соҳаси ходимлари!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни — моҳир ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчиларини, шу тизимда сидқидилдан меҳнат қилаётган юртдошларимизни **Темир йўл транспорти ходимлари куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Жондан азиз Ватанимиз мустақиллигининг шонли 31 йиллик байрами арафасида нишонланаётган ушбу қувончли айёмда сизларнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятингиз ҳақида сўз юритар эканмиз, истиқлол даврида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳам катта тараққиёт йўлини босиб ўтганини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Мустақиллик йилларида 2 минг 400 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилгани, мавжуд темир йўлларнинг 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилгани, 1 минг 100 километр қисми қайта тиклангани соҳада тарихан қисқа даврда улкан ишлар амалга оширилганидан далолат беради.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлайдиган замонавий темир йўл тизими барпо этилиб, кечаю кундуз самарали фаолият кўрсатиб келаётгани албатта эътиборлидир.

Муҳтарам соҳа ходимлари!

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улкан ва эзгу мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, замонавий тараққиёт омили бўлган темир йўл соҳаси ривожига алоҳида аҳамият беришимиз табиийдир.

Шу мақсадда кейинги йилларда шу борада амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз туфайли Ўзбекистоннинг транзит салоҳияти ва нуфузи ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, юртимизда темир йўл тармоқларининг кенгайиб бораётгани барча ҳудудларимизни ўзаро мутаносиб ривожлантириш, бой минерал хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштиришда янги-янги имкониятлар очмоқда. Шу маънода, темир йўллар — мамлакатнинг ҳаётбахш қон томирларидир, деган ибора айни ҳақиқатдир.

Албатта, халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда темир йўл энг қулай ва хавфсиз транспорт тури эканини барчамиз яхши биламиз. Айниқса, **“Инсон қадри учун”** деган эзгу тамойил барча ислоҳотларимиз марказига қўйилаётган бугунги кунда ушбу транспортнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шунинг учун темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизматлар сифатини яхшилаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, локомотивлар, юк ва йўловчи вагонлари парки модернизация қилиниб, янги вокзаллар, муҳандислик иншоотлари барпо этилмоқда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Юнусобод, Сирғали ер ости ва ер усти метро йўналишлари фойдаланишга топширилгани, қадимий Хива шаҳрига темир йўл тармоғи тортилиб, замонавий вокзал барпо этилгани ва бошқа йирик лойиҳаларни қайд этиш ўринлидир.

Бу ишларнинг узвий давоми сифатида Тошкент шаҳрида ер усти метросининг ҳалқа йўлини қуриш, Бухоро — Мискин темир йўл тармоғини электрлаштириш, Шовот — Қораўзак янги темир йўл линияси ҳамда Амударё узра темир ва автомобиль йўллари кўпригини барпо этиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда ҳозирги шиддатли тараққиёт даврида соҳани янада ривожлантириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиз. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси талаблари асосида мамлакатимиз темир йўл тизимини модернизация қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда, йирик ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янгича фикрлайдиган, халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қиладиган замонавий кадрларни тайёрлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ишончим комил, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кўп миллатли ва аҳил жамоаси ўзининг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти билан ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, мамлакатимиз темир йўл соҳаси ривожини албатта янги босқичга олиб чиқади.

Қадрли ватандошлар!

Бугун — мана шу қутлуғ айёмда соҳа ходимлари меҳнатидан баҳраманд бўлиб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг эзгу тилакларини ифода этган ҳолда, сиз, азизларга жонажон Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

---

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## ШАХМАТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал шахматга жалб қилиш, нуфузли халқаро шахмат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаш, жаҳон стандартларига мос келадиган шахмат инфратузилмасини кенгайтириш, шунингдек, Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, “Тўдакўл” дам олиш базаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлган мактабдан ташқари давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланган **Халқаро шахмат мактаби** ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Халқаро шахмат мактабининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

зарур шахмат анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақалар — Шахмат олимпиадаси ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқа мусобақаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган **халқаро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш**;

халқаро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш учун шахмат бўйича юқори малакали мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчиларни, шу жумладан, жаҳоннинг машҳур халқаро гроссмейстерларини кенг жалб этиш орқали **тренерлар таркибини мустаҳкамлаш**;

шахматчиларнинг **ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш**, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан шахматчиларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

(Давоми 2-бетда).

---

*Мустақиллик — халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни тортиқ қилган, шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган буюк неъмат.*

*Бу йил мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига 31 йил тўлади. Шу давр ичида миллий маънавиятимиз булоғи қайта кўз очди, халқимиз ўзлигига қайтди. Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилди, ҳар бир фуқаро чинакамига эъзозу ҳурмат, қадр топди.*

## ЭРКИНЛИК ВА ОЗОД ҲАЁТНИ БЕРГАН УЛУҒ НЕЪМАТ





Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

Мустақиллик элу юртимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратгани, барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келаётгани айни ҳақиқат.

Зеро, истиқлол йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг улкан салоҳиятини, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айниқса, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида биргина таълим соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилдики, уларни санаб адоғига етиш қийин. Хусусан, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш, мактаб таълимига ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш, замонавий билимлар ва чет тилларни пухта ўргатиш мақсадида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

→ 3

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

5 август куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил I ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитди.

Таъкидланганидек, дастурда назарда тутилган топшириқлардан 215 таси жорий йил I ярим йиллигида бажарилиши белгиланган бўлиб, шундан 137 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган.

Ҳисобот даврида 153 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳукумат томонидан ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ўтган йилнинг I ярмига нисбатан 105,4 фоизни ташкил этган.

Инвестиция дастури доирасида 157,5 миллион долларлик маблағлар ўзлаштирилган ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида 28 турдаги 3 триллион 940,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида 4,5 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, прогноз кўрсаткичлари 117 фоизга бажарилган.

Республика бўйича жами 6,9 миллиард долларлик товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилган ҳамда бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 128 фоизни ташкил этган.

Хизматлар соҳасида жами 756 мингта (йиллик режага нисбатан 49 фоиз) янги иш ўринлари яратилган.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича дастур ижроси юзасидан 21,7 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 112,9 фоизга бажарилган.

29 та “Янги Ўзбекистон” массивларида 21 312 та хонадонли 619 та кўп қаватли уй-жойларнинг 397 тасида қурилиш ишлари бошланган.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида 76 та оилавий шифокор пункти, 20 та оилавий поликлиника ҳамда 505 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиши натижасида 1,8 миллион аҳолига ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизмати йўлга қўйилган.

→ 2

---

### Муносабат

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

*Кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлис Сенати йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб масалалар муҳокамадан ўтказилди. Шу масалалардан айримлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.*

### Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилади

**Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси:**

— Охирги йилларда Қорақалпоғистонда олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами ва аҳамияти ниҳоятда катта. Буни нафақат юртдошлар, балки хорижликлар ҳам бот-бот эътироф этиб келмоқда. Олдимизда турган вазифалар эса янада улкан.

→ 2

---

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ФРАКЦИЯЛАРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси даврида фракциялар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда умумхалқ муҳокамаси якунлари кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида қайд этилганидек, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ва партиянинг вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда жойларда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига қаратилган кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Фракция аъзолари партия тузилмалари, маҳаллий Кенгашлардаги 2 минг 300 га яқин депутатлар, 13 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан 5 минг 174 та муҳокама тадбирини ташкил этди.

Олиб борилган тарғибот жараёнида партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзЛиДеП гуруҳларига фуқаролардан оғзаки ва ёзма шаклда кўплаб таклифлар келиб тушди ва улар партия ишчи гуруҳларига тақдим қилинди.

Хусусан, партия ишчи гуруҳларига 4 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Уларнинг 2 минг 719 таси Конституциявий комиссияга киритилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалардаги партиявий тарғиботлардан сўнг меҳнат жамоаларидан Конституциявий комиссияга киритиш учун 121 мурожаат тақдим қилинди. Келиб тушган таклифлар орасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ОТМнинг тадқиқотлар ўтказиш эркинлиги ҳуқуқини ҳамда мулк дахлсизлигини кафолатлаш, иқтисодий муносабатларда инсофсиз рақобат ва монополлашувга йўл қўймаслик ва бошқа шу каби таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

→ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ШАХМАТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

шахмат бўйича терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида **ўқув-машқ йиғинлари, республика** ва **минтақавий мусобақаларни ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда шахматчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий шахмат мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришни халқаро талаблар ва стандартларга мослаштириш, **ўғил болалар ва қизларни шахматга жалб қилиш** ва уларнинг ушбу спорт турига **қизиқишини кучайтириш**, шахматчиларнинг **профессионал маҳоратини** доимий равишда ошириб бориш.

3. Қуйидагилар Халқаро шахмат мактаби **фаолиятини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлигининг ҳар йили ўтказиб келинаётган **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун** халқаро шахмат турнирининг **финал босқичини 2023 йилдан бошлаб Халқаро шахмат мактабида** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4954-сон қарорида белгиланган турнирлар ва мусобақалар билан бир қаторда қўшимча равишда қуйидаги мусобақалар **2023 йилдан бошлаб ҳар йили тизимли равишда ўтказилади**:

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ёшлар ўртасида барча ҳудудларда **"Рокировка"** турнири;

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда кекса авлод вакиллари ўртасида **"Нуронийлар" кубоги** учун;

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахматчилар ўртасида **"Чексиз имкон" турнири**;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан биргаликда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган 50 000 АҚШ доллари миқдорида мукофот фондига эга **"Women's Chess Championship" халқаро турнири**;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар шахматчилари ўртасида анъанавий **"Uzbekistan Chess Open" халқаро турнири**.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси (А.Саъдуллаев), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З.Маҳкамова), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев), Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов) билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган:

мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режасини тасдиқласин**;

тегишли мусобақалар 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режасига киритилишини** таъминласин;

мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) мазкур бандда кўрсатилган мусобақаларни **туристик маршрутлар объектлари** рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни **жалб этиш** чораларини кўрсин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудлардаги Ёшлар марказларида **шахмат тўгараклари** фаолиятини йўлга қўйсин.

7. Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Навоий вилоят ҳокимлиги (Н.Турсунов), "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ (Қ.Санақулов):

ҳар йили Халқаро шахмат мактабида жаҳоннинг машҳур халқаро гроссмейстерлари иштирокида ёш шахматчилар учун тренинг ва маҳорат дарсларини ўз ичига олган **мавсумий оромгоҳлар ташкил этиш**;

**"Тўдакўл" бренди**ни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш орқали Халқаро шахмат мактаби фаолиятини оммалаштириш чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан креатив кўргазмали услублардан фойдаланган ҳолда жамоат жойлари ва истироҳат боғларида **шахмат майдончаларини** ташкил қилсин.

9. **Ўзбекистон Республикаси шахматчилари ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотларининг миқдорлари** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу иловада назарда тутилган рағбатлантириш харажатлари Давлат бюджетидан спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мазкур мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Халқаро шахмат мактаби фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон шахмат федерацияси (А.Саъдуллаев):

Халқаро шахмат мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали **педагог кадрлар**, **тренерлар** ва бошқа мутахассислар билан босқичма-босқич тўлдириш чораларини кўрсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Халқаро шахмат мактабининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин** ва **тасдиқласин**.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **"Ёшлар" телеканали** ҳамда тегишли ҳудудий телеканалларда шахмат мусобақаларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкил этиб борсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси **А.З.Саъдуллаев** ва спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 5 август

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1

Шунингдек, мамлакатимиздаги 40 ёшдан ошган 10 миллион 304 минг нафар аҳолидан қарийб 4 миллион 387 минг нафари тиббий кўрикдан ўтказилган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар томонидан дастур ижроси юзасидан йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Муҳокамалар сўнгида мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ–5202-сонли қарори ҳамда мазкур масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 27 августдаги СҚ-370-IV-сонли қарорида белгиланган вазифалар амалга оширилиши ҳолати юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниб, вазифалар ижроси устидан таъсирчан парламент назорати амалга оширилмоқда.

Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда муқобил бўлмаган ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, соғлиғини сақлаш ва ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қарорда белгиланган тадбирларни бажариш учун Жўқорғи Кенгес депутатлари бириктирилиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш, сусткашликка йўл қўйган масъулларга сенатор ва депутатлик сўровларини юбориш амалиёти йўлга қўйилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ–5202-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг 1-иловасида белгиланган 71 та тадбирдан 20 таси бажарилишига эришилган.

Шу билан бирга, бугунги кунга қадар "Йўл харитаси"нинг 1-иловасида белгиланган 9 та тадбир муддатида бажарилмаганлиги, 5 тасининг муддати кечиктирилганлиги аниқланди.

Шунингдек, "Йўл харитаси"нинг 2-иловасида кўрсатилган 65 та лойиҳадан 15 таси амалга оширилган. Бироқ 1 та лойиҳа муддатида амалга оширилмаган ва 6 тасининг муддатини узайтириш бўйича таклиф киритилган.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлашга кескин тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг енгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровининг ижроси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, парламент сўровида кўрсатилган муаммоли масалаларни бартараф этиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Ўзтўқимачиликсаноат" ва "Ўзчармсаноат" уюшмалари томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ҳукумат томонидан хотин-қизлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш берувчилар ўртасида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида 800 дан ортиқ семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. Иш берувчиларнинг масъулиятини оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари қўмитаси таҳлили, қолаверса, сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳининг тармоқ корхоналарида ўтказилган ўрганишлари шуни кўрсатдики, парламент сўровида кўтарилган масалаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаган ҳамда соҳада қатор камчилик ва муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топмаган.

Соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ваколатли давлат органлари ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш йўлга қўйилмаган.

Тўқимачилик корхоналарида ишлаётган аёлларнинг 48 фоизи, чарм саноат корхоналарида ишлаётган аёлларнинг 67 фоизи иқтисодиётнинг бошқа тармоғидаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 3-4 баравар кам ойлик маош олиб ишлаётганлиги маълум бўлди.

Тармоқ корхоналарида иш ҳақининг камлиги кадрлар қўнимсизлигини юзага келтирмоқда. Айрим корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ишларига ҳам етарли эътибор қаратилмаяпти. Шунингдек, тармоқдаги аксарият корхоналарда малакали ишчиларни қўшимча рағбатлантириш тизими ҳам йўлга қўйилмаган.

Корхоналарда иш ўринларини меҳнат шароитлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлиги, асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Натижада бахтсиз ҳодисалар, иш жойларида жароҳатланиш ҳолатлари ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Парламент сўровида кўрсатилган енгил саноат ва чарм саноати корхоналари бўйича хавф-хатарлилик тоифалари кўрсаткич ва тавсифларини қайта кўриб чиқиш, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини доимий мониторинг қилиб боришнинг онлайн тизимини яратиш бўйича топшириқлар ҳам бажарилмаган ва бу борада бирор-бир тизим шу кунгача йўлга қўйилмаган.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ҳам самарали чоралар кўрилмаган.

Муҳокамалар жараёнида сенаторлар парламент сўровида қўйилган муаммолар, жумладан, хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларга муносиб иш ҳақи тўлаш, иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаганлигига танқидий муносабат билдирдилар.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра ялпи мажлисда ички ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, Сенатнинг 2022 йил 19 мартдаги тегишли қарорига мувофиқ кўрилган чоралар натижасида ўз фаолияти давомида жиноятларни жиловлаш борасида ишларни тўғри ташкил этмаган раҳбар ва



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ходимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилган.

Қайд этилишича, жорий йилда содир этилган умумий жиноятларнинг 93,9 фоизи фош этилган. Қидирувдаги 2 841 нафар шахс ушланиб, бедарак йўқолган 203 нафар шахс топилган.

2021 йил давомида очилмай қолиб кетган жиноятларнинг 1 079 таси, аввалги йилларда очилмаган жиноятларнинг 151 таси фош этилиши таъминланган.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишда салмоқли ишлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида жами маҳаллаларнинг 53 фоизида жиноят содир этилмаган ва 14 фоизида жиноятлар камайишига эришилган.

Жиноятлар кўпайган 33 фоиз маҳалла "қизил" тоифага киритилиб, қўшма патруллик йўналишлари ташкил этилган.

Эришилган натижалар билан бирга, ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Хусусан, шу йилнинг 6 ойида рўйхатга олинган жами жиноятларнинг салмоғи Тошкент шаҳрида, Фарғонада, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида юқорилигича қолаётганлигига эътибор қаратилди.

Профилактика инспекторлари томонидан маҳалла ҳудудларида содир этиладиган жиноятларни бартараф этишда ишлар суст олиб борилмоқда. Шу боис олдини олиш мумкин бўлган айрим турдаги жиноятлар кўпайишига шароит яратилган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган шахсларнинг 93 фоизи, гиёҳвандларнинг 96 фоизи мажбурий даволанишга юборилмаган бўлса, спиртли ичимликка ружу қўйганларнинг атиги 4,1 фоизи, диспансер ҳисобидаги тажовузкор руҳий касалларнинг 52 фоизи мажбурий даволанишга юборилган холос.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сони айрим ҳудудларда юқорилигича қолган.

Республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари ҳам бугунги кун талаби даражасида ташкил этилмаган.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисда Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Сенат қўмиталари томонидан қатор қонунлар мониторинги амалга оширилганлиги таъкидланди.

Хусусан, айрим қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлаши таъминланмаган. Ҳаволаки нормалар, асосан, қонуности ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган.

Шунингдек, таҳлиллар айрим қонунлардаги нормалар амалиётда номувофиқликларни келтириб чиқараётганлиги қонунларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини кўрсатди.

Жумладан, қонунларда базавий терминлар ва асосий тушунчалар киритилмаганлиги, махсус ваколатли давлат органи ва унинг ваколатлари белгиланмаганлиги, қонун ва қонуности ҳужжатлари мувофиқлаштирилмаганлиги, айрим нормаларнинг бир-бирини такрорлаши, ахборот тизимларини кенг қўллаш орқали коррупциоген омилларнинг олдини олиш бўйича нормалар мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, Сенат қўмиталари томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган мониторинглар натижасида қонунларни такомиллаштириш, амалиётда учраётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Мазкур қонунларни янги таҳрирда ишлаб чиқиш юзасидан тавсияларнинг Вазирлар Маҳкамасига юборилишини назарда тутувчи Сенат қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимининг ҳисоботи ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, хорижлик фуқаролар учун Ўзбекистонга визасиз кириш ҳуқуқига эга давлатлар сони 90 тага етказилиши натижасида 2021 йилда Бухоро вилоятига қарийб 49 минг нафар, 2022 йилнинг I чорагида эса 65 минг нафардан ортиқ хорижлик туристлар ташриф буюрган.

Пандемиядан кейин туристлар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Маҳаллий сайёҳлар сони 2021 йилда 2 миллион 216 минг нафарни, 2022 йилнинг I чорагида эса 698 минг нафарни ташкил этган.

Вилоятда 2021 йилдан буён 28 та янги меҳмонхона, 29 та хостел, 45 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилиб, жойлаштириш воситаларининг умумий сони 430 тадан ортган, улардаги ўринлар сони эса қарийб 11 мингга етказилиши таъминланган.

Сўнгги бир ярим йил давомида вилоятга ташриф буюрган туристларга кўрсатилган меҳмонхона, овқатланиш, маданий-кўнгилочар, савдо каби хизматлар ҳажми 2 триллион 330 миллиард сўмни ташкил этган.

Вилоятда 2022 йил I чорак якунига кўра, фаолият кўрсатаётган 31,5 мингдан ортиқ корхоналарнинг қарийб 65 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келиб, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 41,5 фоизни ташкил этган.

Шу билан бирга, сенаторлар соҳадаги мавжуд камчиликларга эътибор бериш ва ўз вақтида бартараф этиш зарурлигини қайд этишди.

Хусусан, "Бухоро" халқаро аэропортида жорий этилган "очиқ осмон" режимидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, янги авиа йўналишлар очиш, масалан, халқаро йўналишда Дубай, Жакарта, Куала-Лумпур, Лаҳор, Душанбе шаҳарларидан Бухорога тўғридан-тўғри ва чартер рейсларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаши ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича аксарият жойлаштириш воситаларида қонунчиликда белгиланган талаблар асосида шарт-шароитлар яратиш зарур эканлиги маълум қилинди.

Шунингдек, вилоятдаги мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида маданий мерос объектларига (829 та маданий мерос объектидан 139 таси туристик маршрутга киритилган) туризм маршрутларини янада кўпайтириш кераклиги айтиб ўтилди.

Ялпи мажлисдаги муҳокама якуни бўйича ўз ечимини кутиб турган муаммоли масалаларни бартараф этиш юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Икки кун давомида ялпи мажлисда сенаторлар томонидан 14 та масала, шу жумладан, 6 та қонун муҳокама этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўққизинчи ялпи мажлиси якунланди.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.***

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

1

Ана шу сабабга кўра ялпи мажлис давомида Президентимизнинг 2021 йил 29 июлдаги қарори ҳамда Олий Мажлис Сенатининг мазкур масала бўйича қабул қилинган 2021 йил 27 августдаги қарорида белгилаб берилган вазифалар чуқур таҳлил қилинди.

Эътироф этилганидек, ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида Оролбўйида салмоқли ишлар бажарилган. Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо қилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, улар фаровонлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш, соғлиғини сақлаш, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратиб келинаётир. Бу борада Сенат қарори асосида йўлга қўйилган таъсирчан парламент назорати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Натижа ҳақида гапирганда, давлат раҳбарининг юқорида айтиб ўтилган қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг 1-иловасида белгиланган 71 та тадбирдан 20 таси бажарилишига эришилганлигини келтирсак бўлади.

Ижро борасида муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, "Йўл харитаси"нинг 1-иловасидаги 9 та тадбир муддатида бажарилмаган ҳамда 5 тасининг муддати кечиктирилган. "Йўл харитаси"нинг 2-иловасида кўрсатилган 65 та лойиҳадан 15 таси бажарилгани ҳолда, биттаси муддатида амалга оширилмаган, 6 тасининг муддатини узайтириш бўйича таклиф киритилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориладиган бўлди.

## Вояга етмаганлар жиноятчилиги айрим ҳудудларда юқорилигича қолмоқда

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

— Мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ўзининг кутилган натижаларини беряпти. Буни ялпи мажлисда тақдим этилган ички ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярмида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотидаги маълумотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ахборотда келтирилганидек, жорий йилда жиноятларни фош этиш, қидирувдаги шахсларни ушлаш, бедарак йўқолганларни топиш борасида яхши натижалар қўлга киритилган. Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишида ҳам ютуқлар мавжуд. Масалан, жорий йил биринчи ярмида юртимиздаги жами маҳаллаларнинг 53 фоизида жиноят содир бўлмаган, 14 фоизида эса жиноятлар камайишига эришилган.

Бунинг барчаси яхши. Аммо зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам талайгина. Хусусан, шу йилнинг 6 ойида рўйхатга олинган жами жиноятларнинг салмоғи Тошкент шаҳри ҳамда Фарғонада, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида юқорилигича қолаётганлиги ташвишлидир. Айни чоғда профилактика инспекторларининг маҳаллаларда содир қилинадиган жиноятларни бартараф этиш борасидаги фаолиятида ҳам сусткашликлар кузатилмоқда. Натижада эса олдини олиш мумкин бўлган айрим турдаги жиноятлар кўпайиб бораётир.

Янада ташвишлиси, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони айрим ҳудудларда юқорилигича қолаётганидир.

Бу нафақат тизим ходимлари, балки биз, парламент вакилларидан ҳам катта масъулият талаб қилади.

**«Халқ сўзи».**

# ФРАКЦИЯЛАРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1

Йиғилишда фракция томонидан Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида айтиб ўтилганидек, қонун лойиҳаси муҳокамалари даврида туман ҳамда шаҳарларда қарийб 3 мингта тадбирлар ўтказилган. Уларда Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларни юқори баҳолаган ҳолда, қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Хусусан, партия дастурида белгиланган энг муҳим ижтимоий йўналишлар, жумладан, тиббиёт ва таълим тизимида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича амалий ташаббуслар илгари сурилди.

Умумхалқ муҳокамалари давомида фуқаролардан партия Марказий Кенгашига 8 минг 389 та таклиф келиб тушди ва улар ўрганиб чиқилди. Сараланиб, умумлаштирилган таклифларнинг 192 таси эса Конституциявий комиссияга тақдим этилди.

Айниқса, фуқароларимиздан тушаётган таклифлар орасида ҳуқуқий таълимни янада яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий билимларни тарғиб этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, одамлар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, бу жараёнда сарсонгарчилик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга оид таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда фракция томонидан Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари фуқароларга қонун лойиҳаси бўйича ўз таклиф ва тавсияларини билдиришлари учун барча қулайлик яратиб берилганини эътироф қилишди. Мазкур муҳим сиёсий жараёнда “Адолат” СДП фракцияси ҳамда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари фаол қатнашди.

Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлари шакллантирилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъуллари билан ҳамкорликда 4,5 мингдан ортиқ тадбирлар уюштирилган.

Йиғилишда Конституциявий қонун лойиҳасидаги нормалар билан фуқаронинг шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатлаш янада кучайтирилаётгани айтиб ўтилди. Шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари учун ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва уларнинг ҳуқуқларини чекловчи ҳуқуқий оқибатларга йўл қўйилмаслиги Конституциявий қонун лойиҳаси билан мустаҳкамланмоқда. Ушбу белгиланаётган нормалар инсон қадр-қимматини, шаънини ҳимоялашга, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ва мустаҳкам таъминлашга хизмат қилиши фракция аъзолари томонидан алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, мазкур жараёнда ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик корпуси фаол қатнашишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, экспертлар учун ўқув ташкил этилиб, методик қўлланма, намунавий тақдимот ва зарур маълумотлар тайёрланди.

Депутатларнинг қайд этишича, таклиф-мулоҳаза олишда бутун республика ҳудудини қамрашга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг партия расмий сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, телефон, почта, шу жумладан, электрон почта орқали ишчи гуруҳларга мурожаат қилишлари учун имконият яратилди. Юқоридаги воситалар орқали 2,5 мингдан ортиқ таклиф-мулоҳазалар олинди.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва демократия мезонларига мос келадиган ижтимоий демократик давлат барпо этиш ҳақидаги бош дастурий мақсади Конституциямизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келишини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини жамоатчиликка батафсил тушунтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Халқ вакилларининг фикрича, парламент қуйи палатаси депутатларининг жойларда ўтказган учрашувларида сиёсий партияларнинг ҳудудий партия ташкилотлари, депутат ёрдамчилари салоҳиятидан кенг фойдаланилди. Хусусан, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари томонидан сайлов округларида аҳоли билан 300 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, уларда 26 минг аҳоли қамраб олинди. Уларда Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан мингга яқин таклифлар билдирилди.

Фракция аъзолари томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келиши, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар сўнгги йилларда мамлакатимизда экология йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми эканлиги билдирилди.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этишда экологик инновацияларни жорий қилиш, экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни амалга ошириш, “яшил иқтисодиёт”ни амалиётга татбиқ этиш, мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларига мослашиш имконини бериш билан бир қаторда, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига, бу эса аҳолимиз фаровонлиги янада ошишига хизмат қилиши халқ вакиллари томонидан алоҳида айтиб ўтилди.

Йиғилиш якунида мазкур жараёнда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

## Ундан оқилона фойдаланяпмизми?



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан энергетика вазири ўринбосари Ш. Хўжаевнинг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг жойларда ижро этилиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.*

### Эшитув

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолининг электр энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш долзарб масалалардан саналади. Шу боис энергетика соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада бутқул янги тизимни йўлга қўйиш бўйича Президентимиз раҳбарлигида кўплаб йиғилиш ва учрашувлар ўтказилди. Бир қатор қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

“Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига харажатлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Зеро, ушбу қарор ижроси бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 — 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг 25 та йирик энергия сарфловчи корхонасида 3,3 млрд. кВт/соат электр энергияси, 2,6 млрд. куб. метр табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежаш бўйича чоралар кесимида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Натижада иқтисодиёт тармоқларида 2020 йилда 916,84 млн. кВт/соат электр энергияси, 1371,93 млн. метр куб табиий газ ва 5,4 минг тонна нефть маҳсулотлари тежалишига эришилди. Иқтисодиёт тармоқларида 2021 йил давомида 1,7 млрд. кВт/соат электр энергияси, 1,6 млрд. куб метр табиий газ ва 12,4 минг тонна нефть маҳсулотлари тежалди.

Йиғилишда энергетика вазири ўринбосарининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга ошириш оид Давлат дастурининг 164-банди ижроси ҳолати юзасидан ҳам ахбороти тингланди.

Қайд этилдики, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳудудидаги тақсимловчи электр тармоқларини янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш дастури доирасида қатор ишлар бажарилган.

Жумладан, Президентимизнинг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда 1 164,9 км. тақсимловчи электр узатиш тармоқлари, 395 та трансформатор пункти қуриш ва янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Йил якунига қадар эса 2 792,5 км. тақсимловчи электр узатиш тармоқлари ва 1 минг 110 та трансформатор пункти янгиланади.

Шунингдек, тақсимловчи электр тармоқларида технологик йўқотишларни 50 фоизгача 4 млрд. кВт/соатга камайтириш учун Қибрай тумани мисолида синов тариқасида лойиҳа ишга туширилган. Ушбу лойиҳа доирасида тумандаги “Истиқлол” МФЙда синов тариқасида тақсимловчи электр тармоғида 400 кВА бўлган трансформатор пунктини 7 та трансформатор пунктига алмаштириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти филиали томонидан ижобий хулоса олинган. Шунингдек, қурилиши режалаштирилган трансформатор пунктлари объект ҳудудига олиб келиниб, 150 та таянчдан 50 таси ўрнатилган. Лойиҳа жорий йилнинг 20 августига қадар ишга туширилади.

Эшитувда таъкидланганидек, республикамизнинг магистрал электр тармоқларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида 101,4 км. узунликдаги электр узатиш тармоқлари қурилиб, 318 та таянчдан 190 таси ўрнатилди.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган амалий ишларни ижобий баҳолаган ҳолда, мавжуд муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Истеъмолчиларга арзон, сифатли ва барқарор электр энергиясини етказиб бериш, йилдан-йилга ўсиб бораётган талабларни қондириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Ўз навбатида, вазирлик вакили ушбу муаммолар тез орада ижобий ҳал этилишини маълум қилди.

Якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИДАГИ НОРМАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.*

### Семинар

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия масъуллари қатнашди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасидаги нормалар билан ички ишлар органларининг масъулиятини ошириш, уларнинг хизмат самарадорлигини кучайтириш мақсадида ички ишлар бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарларига қўшимча равишда 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш, профилактика инспекторларига қўшимча равишда 10 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш белгиланмоқда.

Шунингдек, патруль-пост хизмати ходимларига 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш, Миллий гвардия ходимларига қўшимча равишда 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ҳамда 4 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш ваколати берилиши назарда тутилмоқда.

Тадбир давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар, ҳуқуқбузарликларга нисбатан чора кўришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, уларга нисбатан чоралар кўришда электрон планшетлар, уларни ишлатиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир ваколатларини кенгайтириш ҳамда ушбу соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш тизимини самарали ташкил этиш тартибини белгилайди.

Семинарда қонун лойиҳасидаги нормаларни такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭРКИНЛИК ВА ОЗОД ҲАЁТНИ БЕРГАН УЛУҒ НЕЪМАТ

1

Ушбу мактабларнинг ташкил этилгани таълим тизимида юксалишнинг янги босқичини бошлаб берди. Энг муҳими, юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган иқтидорли, қобилиятли, илм-фанга меҳр қўйган ёшларнинг янада кўпайишига замин яратди.

Амалга оширилган ислоҳотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, балки халқаро майдонда ҳам Ватанимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди.

Ҳозирги кунда таълим, илм-фанни янада ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларни нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Бу давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган даврда юртимиз илм-фан ва таълим борасида ўз мавқеи ва нуфузини тиклаганидан далолат беради.

Бундай юксак марраларга, албатта, истиқлол туфайли, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида эришдик. Буни жамиятимиз, давлатимиз ва халқимиз ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар, айниқса, таълим тизимини ривожлантириш, ўқитувчи касбининг, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилаётган катта эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш бўйича ҳар йили давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинади.

Шу йил 1 август куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорга асосан, бу йилги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этган шиор асосида кутиб олиниши қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирди, десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, бунинг замирида улуғ неъмат — мустақилликнинг, шу муқаддас Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етишдек улуғ ғоя ва мақсад мужассамдир.

Албатта, бугунги кунгача бўлган йўлни осонликча босиб ўтмадик. Ҳаётнинг минг-минг машаққати, синовидан халқимизнинг матонатли меҳнати, мўътабар, дуогўй отахону онахонларнинг эзгу тилаклари, ёшларимизнинг азму шижоати, халқпарвар раҳбарнинг одилона, оқилона сиёсати натижаси бу. Ва умуман, биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу қутлуғ сана арафасида халқимиз қандай машаққатли ва айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Шундай кунларда барча соҳада амалга оширилаётган халқчил ислоҳотларни кўриб, қалбимиздан бир тилак ўтади: ҳар лаҳзада янгиланиб, кўркамлашиб бораётган Ўзбекистон манфаати йўлида меҳнат қилишдан асло толмайлик. Ҳамиша Ватанимиз хизматига камарбаста бўлайлик!

**Ғайрат АБДИЕВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИ

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ КАДРЛАРИНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар миллат ва мамлакат тақдирида муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур жараёнлар бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Навбатдаги вазифа тайёрланаётган мутахассислар сифатининг амалдаги иқтисодий талабларга мувофиқлигини таъминлашдан иборат.*

### Нуқтаи назар

Ислоҳотларимиз муваффақияти, давлат хизматлари ходимлари сифати мактаб таълимига боғлиқ эканлигини унутмаган ҳолда, соҳада сақланиб келаётган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Халқ таълими тизимидаги муаммоларнинг ечими, муайян даражада педагогик кадрлар тайёрлашга, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари фаолиятига боғлиқ. Бунинг бош нуқтаси олий таълимнинг магистратура босқичидир.

Бўлғуси мактаб ўқитувчисининг билим даражаси ва савияси, биринчи навбатда, магистратура битирувчисининг сифат кўрсаткичларига бориб тақалади. Чунки уларнинг бир қисми педагогик олий таълим муассасасининг ўқитувчиси бўлиб қолади. Бу бир қарашда кўзга ташланмаса-да, лекин кўплаб муаммоларнинг асосий сабабларидан биридир. Афсуски, бунга узоқ йиллардан буён жиддий эътибор берилмай келинмоқда.

Тўғри, магистрлар тайёрлаш мақомига жуда зарур ўзгартиришлар киритилди. Тор ихтисослашувдан муайян даражада воз кечилди. Бу йилдан қабулда чет тили сертификати мавжудлиги талаб этилмоқда. Ихтисослик фанларидан синов ўрнига, бакалавр дипломидаги натижалар ҳисобга олиниши инсон омилини бекор қилиб, бевосита адолатни таъминлайди. Бу, муболағасиз, инқилобий ислоҳотдир. Бундай тартиб, олий таълимнинг бакалавр босқичида жорий имтиҳонлар ҳаққонийлиги таъминланганда, таълим сифатини кўтаришга жиддий таъсир қилади, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг чет тилини ўрганишга муносабатини ўзгартиради.

Аммо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини етарли даражада олий сифатли мутахассислар билан таъминлаш, илмий-педагогик соҳанинг кадрлар захирасини тўлдириб бориш учун юқоридаги — шубҳасиз, муҳим бўлган чора-тадбирларнинг ўзи етарли эмас.

Магистрлик даражасининг меҳнат мақоми жозибадорлиги қонун билан таъминланмаса, рақобат муҳити шаклланмайди ва кутилган самарани бермайди.

Магистратура таълимининг даврга ва бизнинг муайян муаммоларимизга муносиб моделини қабул қилмасдан туриб, таълим-тарбиянинг барча босқичида қўйилган мақсадга эришиш мушкул. Бу аксиома эмас, балки ҳақиқат. Шу ўринда таҳлилни таълим тизими ислоҳотларининг яқин тарихидан бошламоқчиман.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирига келиб, олий таълимнинг беш йиллик тизимидан икки босқичли бакалавр-магистр тизимига ўтилди. Бундан кўзландики, бакалаврлар ўзининг малакаси билан анъанавий беш йиллик таълим мутахассисларининг ўрнини босади, магистрлар эса олий таълим муассасаларидаги илмий-педагог кадрлар сафини тўлдиради. Афсуски, ўтган давр бизнинг бу умидларимизни тўлақонли оқламади.

Дарҳақиқат, мактаб битирувчисининг ҳозирги билими негизида олий таълим муассасаларида тўрт йилда юқори малакали мутахассис тайёрлаш мураккаб масала.

Бакалавр бу муддат ичида фақат умумий маълумотларнигина ўзлаштиради. Лекин ҳозирги замон илм-фани эришаётган ютуқлар нуқтаи назаридан қараганда, бундай қисқа муддат ичида мутахассис эгаллаши лозим бўлган билим ва компетенцияларни ўзлаштириш амримаҳол.

Бизда бакалаврлар меҳнат бозорининг асосий қисмини ташкил қилаётганлигини ҳисобга олсак, уларни тайёрлаш жиддий ихтисослашувларсиз амалга оширилаётганлигини кўрамиз. Бундай мутахассислар тўлақонли бўлиши учун тегишли, мос, иқтисодиёт тизимлари шаклланиб, ривожланган ва ўз малака ошириш тузилмаларига эга бўлиши керак. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳали зарурий меъёрига тўлақонли етказилмаганлиги шароитида ва иқтисодий тузилмаларда ёш мутахассисларнинг амалий кўникмаларини таъминлайдиган имкониятнинг чегараланганлиги ҳам бунга салбий таъсир этмоқда.

Кўп босқичли олий таълим тизими ривожланган мамлакатларда талаба ҳақиқий профессионал билимни магистратура босқичида ёки иш берувчилар малака ошириш тузилмасида эгаллайди.

Чет эл тажрибалари яна шуни кўрсатмоқдаки, бакалаврлар ўқишни тугатиб, ишлашлари учун аксарият ҳолларда тегишли касб бўйича сертификат олишлари лозим. Улар мактабда ўқитувчилик қилишлари учун қўшимча жиддий педагогик тайёргарликдан ўтишлари керак.

Буюк Британияда талабгор мактаб ўқитувчиси ҳуқуқига эга бўлиш учун, дастлаб, фаннинг қайсидир соҳаси бўйича университетда бакалавр даражасини олади. Шундан сўнг махсус тайёрлов курсини ўтайди ва малакали ўқитувчи мақомини тасдиқловчи махсус сертификатни қўлга киритгач, педагогик фаолият билан шуғулланади.

Францияда ҳам ўқитувчилар тайёрлаш тизими тахминан ана шундай. Олий таълимнинг икки босқичли тизими амал қиладиган мамлакатларда профессионал малака тўғрисидаги ҳужжатлар тартибга кўра, талабгорнинг ўқишни тугатиб, ихтисослиги бўйича маълум муддат иш тажрибасига эга бўлганидан сўнг тегишли профессионал жамиятлар томонидан берилади. Аксарият ривожланган мамлакатларда мактаб ўқитувчисидан магистрлик даражаси талаб қилинади.

Тарихан, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг олий таълимнинг икки босқичли тизимига ўтиши ўша замоннинг маълум талаблари ва шаклланган имкониятлари асосида амалга ошган. Яъни ижтимоий-иқтисодий соҳалар юқори малакали олий маълумотли мутахассислар билан етарли даражада тўйинган шароитда, жамиятда олий маълумотга эга бўлишга талаб ва қизиқиш юқорилиги сақланган. Вужудга келган бундай талабни қондириш ва чекланган малака талаб этадиган вазифаларни бажарувчи мутахассислар билан меҳнат бозорини тўлдириб бориш учун олий таълимнинг нисбатан қисқа ва оддий, биринчи босқичи — оммавий тарзда мутахассислар тайёрловчи бакалавриат тизими киритилган.

Аслида, таълимнинг бакалавр даражаси муайян таълим йўналиши бўйича кенг оммага академик олий таълим бериш мақсадида ташкил этилган. Чуқур касбий маҳоратни олий таълимнинг кейинги босқичи бўлмиш магистратура бериши кўзда тутилган. Шу асосда, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалардаги етакчи масалаларни ҳал қилиш тегишли соҳаларни чуқур ва ҳар тарафлама кенг ўрганган магистрлар зиммасига юклатилган. Магистратурани тугатганлар сони ҳам бу талабларга мос келган. Вақт ўтиши билан бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш нисбати бакалаврлар тайёрлаш ҳисобига ўсиб борган.

Дунёда бир босқичли олий таълим тизимидан икки босқичлига ўтган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат мамлакат иқтисодиётининг муайян босқичдаги ҳолати ва талабига қатъий мос келувчи магистратура моделигина олий таълимда икки босқичли тизимнинг қабул қилинишини оқлайди. Акс ҳолда, икки босқичли тизимга ўтиш, ундан кутиладиган ижобий самара ўрнига соҳадаги жиддий йўқотишларга олиб келади.

Жаҳон глобаллашув жараёнининг олий таълимдаги ҳосиласи бўлмиш икки босқичли таълим тизимини қабул қилишимиз муқаррарлигини ҳисобга олсак, магистратура босқичи, албатта, бўлиши керак. Масала мамлакат ривожланишининг ушбу босқичида магистратуранинг қайси модели самарали эканлигида. Бу ҳақда биз ўтган йилларда жуда кўп фикр-мулоҳаза ва таклифларни илгари сурганмиз.

1997-1998 йилларда Ўзбекистонда амалдаги магистратура тизимининг киритилишидаги концептуал хато шундан иборатки, ўшанда магистратура, асосан, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг захира кадрларини тайёрлайди деган ғоянинг қабул қилинганидир.

Назаримизда, 1998 йили магистратуранинг ҳозирги ҳаракатдаги концепциясининг қабул қилиниши учун жамиятнинг олий малакали мутахассислар билан таъминланганлик даражаси, мактабнинг фаолият сифати анча юқори бўлиши керак эди. Акс ҳолда, олий таълимнинг икки босқичлига ўтказилиши вазиятни янада мураккаблаштириши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам.

Олий малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги, иқтисодий ислоҳотларнинг тугалланмаганлиги ва олий таълим муассасалари битирувчилари сифатини баҳолай олишга қодир замонавий иш берувчилар етарли даражада шаклланмаганлиги шароитида бундан ортиғини кутиб бўлмайди. Демак, Ўзбекистонда ўтиш даврида, магистратура олий таълимнинг кейинги селекцион босқичи бўлиши керак, холос.

Айни пайтда ва яқин келажакда бизга бакалавриатура битирувчиларидан жиддий саралаш натижасида шакллантирилган ва 1-2 йил ичида касб фанларини чуқур амалий ёндашиш асосида ўзлаштирган, анъанавий атама билан айтганда, халқ хўжалигининг тегишли соҳаларида фаол ва инновацион хизмат қилиш савиясига қодир магистрлар зарур. Улардан ижодий фаолият билан шуғулланиш қобилиятини



намоён қилган магистратура битирувчиларининг айримлари ўқишни докторантурада давом эттиришлари ёки стажёр-тадқиқотчи мақомига ўтишлари мумкин бўлади.

Ўтган давр шуни кўрсатдики, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг кадрларга бўлган талабини бакалаврларгина қаноатлантира олмайди. Айниқса, иқтисодиётни шакллантирувчи таълим йўналишлари — муҳандислик, машинасозлик, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларда.

Президентимиз давлат хизматлари ходимларининг мақоми ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифаларга бағишланган йиғилишда бошқарув тизимидаги ходимлар профессионаллиги ва ташкилий қобилиятларини оширишга қаратилган вазифаларга ҳам тўхталди. Бу муаммолар ечимининг калити ҳам, асосан, мамлакатнинг самарали магистратура таълимига боғлиқ.

Бутун дунёда, асосан, селекцион олий таълим тизими соҳибларигина давлат бошқарувида хизмат қилади. Бусиз давлат хизматчиларининг савияси ва сифатини нуқул малака ошириш билан кўтариб бўлмайди. Шу билан бирга, олий таълимнинг магистрлик босқичи жозибадорлигини таъминлайдиган чоралар ҳам кўрилмаган. Магистратуранинг жозибадорлигини ошириш, унга керакли даражадаги танлов имкониятини яратиш ҳақиқий селекцияга йўл очади. Натижада ривожланган мамлакатлардагидек чет тилини биладиган, етук бошқарув кадрлари тайёрланади. Бунга бакалавр битирувчиларининг тахминан 30 — 40 фоизини магистратурага саралаб олиш эвазига эришилади. Пировардида мамлакатнинг барча соҳаси юқори малакали мутахассислар билан шаклланa бошлайди. Шунингдек, давлат бошқарувига кадрларни танлаш имконияти пайдо бўлади. Бошқарув кадрларининг ҳозирги ҳолатига айни шу муаммо — мамлакатнинг икки босқичли олий таълимга ўтиш моделининг самарали якунига етказилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда, десак, хато эмас.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида асосий мақсад истеъмолчиларнинг ўз касбий сирларини чуқур ўзлаштирган мутахассисларга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Магистратурамизнинг бугунги асосий мақсади мутахассислик фанларини чуқур амалий ёндашув билан ўзлаштирган мутахассислар тайёрлашдир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларимиздаги юқори малакали мутахассисларга бўлган ҳозирги талабни тегишлича таълим олган магистрларгина қониқтира олади. Кейинги даврларда, йиллар оша мактабгача таълим, мактаб ва уларнинг негизига таянган бакалавр олий таълим тури ўзгача тўйинганлик мазмун ҳамда сифат даражасига етгач ва истеъмолчилар бозори зарурий олий сифатли мутахассислар билан муайян даражада таъминланганидан кейин меҳнат бозорида бакалаврлар, балки мутахассисларнинг асосий қисмига айланиб, магистратура фақат илмий-ижодий малака берадиган олий таълим босқичи бўлиб қолади.

Магистратура таълим моделини таҳрир қилиш, муболағасиз, нафақат истиқболимиз пойдеворини таъминлайдиган олий таълим сифатини белгилайди, балки ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларимизнинг келажак ўн йиллардаги тақдирини ҳам ҳал этади.

Президентимиз раислигидаги юқорида зикр қилинган мажлисда иштирок этар эканман, илгарилари ҳам кўп бора кўтарган мазкур масала ҳақидаги мулоҳазаларимни ўртага ташладим.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади. Ҳамкасбларимни, соҳа ходимларини, халқаро тажрибага эга олимларимизни баҳс-мунозарага чорламоқчиман. Улардан бундан ҳам яхшироқ, жўялироқ фикрлар чиқар. Зеро, мақсадимиз битта: мазкур соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш...

> *Магистратуранинг жозибадорлигини ошириш, унга керакли даражадаги танлов имкониятини яратиш ҳақиқий селекцияга йўл очади. Натижада ривожланган мамлакатлардагидек чет тилини биладиган, етук бошқарув кадрлари тайёрланади.*

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ

## ИШ БЕРУВЧИГА ҲАМ, ТАЛАБГОРГА ҲАМ ФАҚАТ ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

*Тошкент вилоятида ижтимоий меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан “Муносиб меҳнат шароитларини яратиш — иш берувчиларнинг бурчи” мавзуида навбатдаги семинар ўтказилди. Унда уч томонлама ижтимоий шериклар — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси мутасаддилари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари қатнашди.*

### Тадбир

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида комиссия ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг 5 минг 592 та ташкилотда меҳнат қилаётган 1 миллион 878 минг 885 нафар аъзоси бор. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 18 та вазирлик, идора ҳамда компаниялар билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга оид тармоқ келишувларини имзолаган. Тизимдаги ташкилот ва муассасаларнинг барчасида жамоа шартномалари тузилишига эришилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси кўп тармоқли ва салоҳиятли соҳалардан бири ҳисобланади. Унга пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, йилқичилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик каби соҳалар киради. Шунингдек, агросаноат мажмуи тизимида қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнида узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

Масалан, далаларда терилган пахта толасини қайта ишлаш учун пахта тозалаш корхоналарига олиб келинади. Пахта толаси калава ип ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилади. Жумладан, пахта толасидан олинадиган чигитдан пресслаш ва экстракциялаш усули билан (ўсимлик ёғи, совун ва бошқа) маҳсулотларни олиш учун “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти корхоналарига шартнома асосида қайта ишлаш учун юборилади.

— Ҳамма корхона ва ташкилотларда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак, — деди Б. Маҳмадалиев. — Бундай шароитларни муҳайё қилиш иш берувчининг мажбурияти экани меҳнатга оид қонун ҳужжатларида кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасини йўлга қўйиш мақсадида йигирмага яқин норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза этиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ажратиши ҳамда ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмасликлари зарур.

Лекин шундай бўлса-да, айрим бюджет ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун етарли миқдорда маблағлар сарфланмаётган ҳолатлар аниқланмоқда. Шу боис Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан бошланғич ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш жараёнида иш берувчиларга меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари атрофлича тушунтирилиб, тақдимномалар киритилмоқда.



> ***“Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг 5 минг 592 та ташкилотда меҳнат қилаётган 1 миллион 878 минг 885 нафар аъзоси бор. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 18 та вазирлик, идора ҳамда компаниялар билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга оид тармоқ келишувларини имзолаган.”***

Таҳлил натижаларига кўра, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида ходимларга меҳнатнинг соғлом ҳамда хавфсиз шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича жорий йилга 172 990 та чора-тадбир режалаштирилган бўлиб, уларга ажратилган маблағ 32 миллиард 722 миллион 880 сўмни ташкил этган.

Иш жойида хавфсиз иш усулларини олиб бориш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилади ва улар касб ҳамда иш турларига бўлинади. Масалан, пахта йиғим-терими мавсумида фермер хўжаликлари ходимларининг ишларни хавф-хатарсиз олиб бориши ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилишлари мақсадида теримчилар, дала шароитларида таом тайёрловчи ошпазлар, трактор ҳайдовчилари, юк автоулови ҳайдовчилари, йиғим-теримга масъул отряд бошлиқлари учун меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Ушбу йўриқномалар касаба уюшмаси туман кенгашлари билан келишилган ҳолда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан тасдиқланади. Зарурат туғилганда, яъни янги касб ёки иш турлари қўшилганда, технологиялар, йўриқномаларга ўзгартиришлар киритилганда ходимларни йўриқномаларда қўйилган талаблар билан таништириш лозим бўлади.

Семинар давомида қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ҳам сўзга чиқиб, ташкилотларидаги меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими ҳолати хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**

ЭЪЛОНЛАР

# «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI»

## aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

**Ҳурматли акциядорлар!**

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ кузатув кенгашининг 2022 йил 3 августдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 26 август куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳкўчаси, 39-уйда жойлашган жамият бош офисида ўтказилади.

Йиғилиш соат 10.00 да бошланади. Акциядорлар эса соат 9.00 дан рўйхатга олинади ва соат 9.50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри **2022 йил 22 август** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Жамият фаолиятининг 2022 йил биринчи ярим йиллиги натижаларини аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳкўчаси, 39-уйда жойлашган «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJнинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

**Электрон почта манзили: info@ariainsurance.uz**
**Телефон: 71-202-88-88.**

**Кузатув кенгаши.**

# TERMIZ MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI KAFEDRALARINING PEDAGOG XODIMLARI TOIFASI VA VAKANT (BO‘SH) O‘RINLARGA PROFESSOR-O‘QITUVCHILAR LAVOZIMLARIGA TANLOV E’LON QILADI.

| T/r | Kafedra nomi | E’longa berilgan vakant o‘rinlar |
|---|---|---|
| 1. | Elektrotexnika, elektromexanika va elektrotexnologiya kafedrasi | Kafedra mudiri |
| | | Dotsent (elektr energetikasi mutaxassisligi bo'yicha) |
| | | Dotsent (elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (elektr energetikasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 2. | Avtomatlashtirish va boshqarish kafedrasi | Dotsent (texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 3. | Neft-gaz va konchilik ishi kafedrasi | Kafedra mudiri |
| | | Dotsent (konchilik ishi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (konchilik elektr mexanikasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (foydali qazilma konlar geologiyasi, qidiruv va razvedkasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (neft va gaz ishi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (marksheyderlik ishi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (konchilik elektr mexanikasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (neft va gaz ishi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (marksheyderlik ishi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 4. | Aniq va tabiiy fanlar kafedrasi | Dotsent (matematika fani bo‘yicha) |
| 5. | Transport muhandisligi va logistika kafedrasi | Dotsent (transport vositalari muhandisligi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 6. | Metrologiya va texnologik mashinalar kafedrasi | Kafedra mudiri |
| | | Dotsent (texnologik mashina va jihozlar mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 7. | Muhandislik va kompyuter grafikasi kafedrasi | Kafedra mudiri |
| 8. | Yo‘l muhandisligi kafedrasi | Dotsent (yo‘l muhandisligi (avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (yo‘l muhandisligi (avtomobil yo‘llarini qurish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (yo‘l muhandisligi (avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (yo‘l muhandisligi (avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 9. | Bino va inshootlar qurilishi kafedrasi | Kafedra mudiri |
| | | Dotsent (arxitektura mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (qurilish muhandisligi (bino-inshootlar qurilishi) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (qurilish muhandisligi (qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (qurilish muhandisligi (qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 10. | Yengil sanoat va oziq-ovqat texnologiyalari kafedrasi | Kafedra mudiri |
| | | Dotsent (yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (oziq-ovqat texnologiyasi (go‘sht va sut mahsulotlari) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (oziq-ovqat texnologiyasi (don mahsulotlari) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 11. | Kimyoviy texnologiya kafedrasi | Dotsent (kimyoviy texnologiya (nodir va kamyob metallar texnologiyasi) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (kimyoviy texnologiya (silikat materiallar) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (kimyoviy texnologiya (nodir va kamyob metallar texnologiyasi) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (kimyoviy texnologiya (silikat materiallar) mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 12. | Ekologiya va hayot faoliyati xavfsizligi kafedrasi | Dotsent (ekologiya va atrof-muhit muhofazasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Dotsent (hayot faoliyati xavfsizligi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (ekologiya va atrof-muhit muhofazasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Katta o‘qituvchi (hayot faoliyati xavfsizligi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (ekologiya va atrof-muhit muhofazasi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| | | Assistent (hayot faoliyati xavfsizligi mutaxassisligi bo‘yicha) |
| 13. | O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi | Katta o‘qituvchi (ingliz tili fani bo‘yicha) |

**Tanlovda ishtirok etish uchun nomzodlar institut rektori nomiga ariza bilan kadrlarni hisobga olish bo‘yicha shaxsiy varaqa, pasport nusxalari, ma’lumotnoma (obyektivka), ilmiy daraja, ilmiy unvon, shuningdek, ilmiy ishlar va ixtirolar mavjud bo‘lganda, ularga tegishli diplomlar va attestatlar nusxalari, malaka oshirganlik to‘g‘risidagi guvohnoma nusxalari, 5 yillik istiqbolli «Yo‘l xaritasi»ni topshiradi. Arizalar e’lon chop etilgan sanadan boshlab bir oy muddatda qabul qilinadi.**

**ESLATMA: tanlovda ishtirok etuvchilar sinov darslari o‘tadi.**

***Manzil:*** **Termiz shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 288-“A” uy, Termiz muhandislik-texnologiya instituti binosi, D-blok, 1-qavat, 1 va 2-xona, O‘quv-uslubiy bo‘limi.**

***Murojaat uchun telefonlar:*** **76-221-87-20, 97-039-77-57.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6